# ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2004-yil, 19-mart, 12 (601)-son | Sotuvda narxi erkin

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

## НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Наврўз Шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқи учун энг қадимий ва азалий байрамлардан биридир. Баҳор фасли ва табиат уйғонишининг тимсоли, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш бу айёмни орзиқиб кутиш, баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонлаш эл-юртимиз учун олижаноб анъанага айланиб қолган.

Маълумки, Наврўз байрами юртимизда март ойининг учинчи ўн кунлиги бошланишига тўғри келади. Ва шунга асосланиб, мамлакатимизда 21 март куни Наврўз байрами, деб эълон қилинган.

Анъанага кўра, Наврўзга бағишлаб пойтахтимиз Тошкентда, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида байрам маросимлари, халқ сайиллари ва томошалар ўтказилади.

Узоқ ва давомли тарихимиздан маълумки, Наврўз бир кун эмас, бир ой мобайнида байрам қилинади ва жойларда одамлар табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, бу айём қувончини кўпчилик билан баҳам кўради.

Халқимизнинг мана шундай байрамларни ҳар қайси воҳа ва водийнинг маҳаллий иқлим ва табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ўтказиши ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга муносибдир.

Республика Гидрометеорология Бош бошқармасининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда умуман иқлим ўзгариши муносабати билан айнан шу мавсумда об-ҳавонинг бузилиб, ёғингарчилик кўп бўлиши кузатилмоқда ва жорий йил ҳам бундан истисно эмас.

Бундай вазият оммавий байрам тадбирларини очиқ майдонларда, истироҳат боғларида халқимизнинг кенг иштирокида ўтказиш учун муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

Наврўз умумхалқ байрамини миллий қадрият ва урф-одатларимиз руҳида кенг нишонлаш, уни ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш, одамларнинг кўнгилли дам олишини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Пойтахтимиз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳрида, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларни об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, март ойининг охиригача ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

2. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасига байрам муносабати билан марказда ва жойларда белгиланган барча ташкилий-амалий ишларни кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, юксак даражада ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёевга юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 март



## Азиз ҳамкасблар, муҳтарам юртдошлар!

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъати Сиз азизларни янгиланиш, уйғониш ва яшариш фаслининг гўзал айёми – Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.*

*Табиат қайта жонланаётган, саховатли қуёш нурларини тарата қалбларга илиқлик бағишлаётган шукуҳли кунларда мамлакатимиз узра Наврўз тантаналари нишонланмоқда. Ушбу дамларда Сизларга самимий тилакларни билдиришдан беҳад хурсандмиз.*

*Қадимий урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўзида жамлаган умумхалқ байрамининг қалбимиздан чуқур жой олганлиги бежиз эмас. Зеро, бу туйғу замирида Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, қўни-қўшни, яқин-атрофдагиларга оқибат ва ўз касбига фидойилик ётади.*

*Истардикки, "Меҳр ва мурувват йили"да алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ривожи ҳамда эзгу мақсадлар йўлида амалга ошираётган ишларингиз салмоғи янада ошсин. Наврўз барчангизга оилавий тинчлик-тотувлик, фаровонлик, бахт-саодат, хонадонингизга қут-барака ва хотиржамлик олиб кирсин!*

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъати**

## ХУШКАЙФИЯТ БАХШ ЭТГАН ОҚШОМ

**Байрам арафасида** "ЎзИ-Термиз" филиалида сумалак сайли ўтказилди. Даставвал филиал раҳбари Собиржон Бадалбоев қатнашчиларни улуғ байрам — Наврўз билан муборакбод этди.

Дошқозонда тун бўйи сумалак қайнади. Саҳарда дошқозонни очганлар мўъжизага гувоҳ бўлишди — сумалак юзига товус сурати муҳрланган эди. Ҳамма севинчдан бир-бирини баҳор келгани билан табриклади. Тансиқ таом энг аввало кам таъминланган оилалар ва фахрийларга тақсимланди.

Шу тарзда хушкайфият бахш этган оқшомдан бошланган шодлик онлари тонгги хурсандчиликка уланиб кетди.

**Нортожи ЗИЁЕВ**
**Термиз шаҳри**

## ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ КЕНГАШИДА

**Давлат алоқа инспекциясининг навбатдаги Кенгаши бўлиб ўтди. Унда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи ва таркибий бўлинмалар бошлиқларининг 2003 йил иш якунлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.**

**Давлат алоқа инспекцияси** бошлиғи Ш.Обидхўжаев инспекция томонидан ўтган йил давомида олиб борилган ишлар ҳақида маъруза қилиб, жойлардаги айрим бўлинмалар томонидан ўтказилаётган текширишлар жараёнида тарифларни тўғри қўллаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаётганлигига урғу бериб, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари Давлат алоқа инспекцияларининг иш фаолиятларини танқид остига олди.

Шунингдек, Кенгашда Агентлик Бош директори ўринбосари А.Избосаровнинг маърузаси тингланди. Маърузачи Давлат алоқа инспекциясида ҳисобот даврида олиб борилган ишларни танқидий баҳолаб, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ҳамда ечимини топмаётган муаммоларга қандай чора-тадбирлар кўриш лозимлиги ҳақида тавсиялар берди.

(Давоми 3-бетда.)

# “XABAR” 12 ЁШДА

*Она-заминимизга фасллар келинчаги бўлмиш Баҳор кириб келди. Кўклам офтобининг заррин нурларидан баҳра олган, ям-яшил майсалар, ранг-баранг гул-чечаклар билан безанган, эзгулик, бунёдкорлик, меҳр ва мурувват байрами — Наврўз эшик қоқмоқда.*

*Бугунги байрам биз — “Xabar” газетаси ходимлари учун айниқса қадрлидир. Чунки сизу бизнинг севимли бу нашримиз бундан роппа-роса 12 йил муқаддам, ўлкамизга Наврўз кириб келган кунда дунё юзини кўрган. Демак, газетамиз мучал ёшга тўлган бу кун барчангизни қўшалоқ байрам билан қутлашга ҳақлимиз.*

*Азиз “Xabar” мухлислари, биз билан ҳамкорлик қилиб келаётган қадрли дўстлар! Табиат жонланиб, дов-дарахтлар қийғос гулга бурканган, субҳидам майса юзини шудринг ювган бир паллада Сизларга дил сўзларимизни изҳор этаётганимиздан беҳад шодмиз.*

*Наврўзингиз муборак бўлсин!*

*ТАҲРИРИЯТ*



**Наврўз кириб келмоқда. Бободеҳқон яхши ниятлар ила ерга барака уруғини қадашга киришди. Тўкин-сочинлик элчиси – Наврўз шукуҳидан барчанинг чеҳрасида яшариш, янгиланиш, бунёдкорлик кайфияти барқ уради. Дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнайди, димоқни қитиқловчи кўклам таомларининг хушбўй исидан танага ажиб бир тетиклик инади. Қалбларга сокинлик бахш этиб шилдираб оқаётган сув бўйидаги мажнунтолнинг толим-толим попуклари қизалоқлар сочларига зеб беради...**

***Шундай фараҳбахш дамларда “Xabar” газетаси ходимлари даврасида ўзгача шукуҳ. Муштарийлар эса ўз фикр-мулоҳазаларини, дил сўзларини айтишга интилишади.***



# УМР ЯНГЛИҒ АЗИЗСАН, НАВРЎЗ!

**Зафар БОЙМИРОВ, “Қашқадарё Телеком” филиали ахборот технологиялари хизмати бўлими бошлиғи:**

— Яшариш, янгиланиш байрами сифатида ҳар йили Наврўзни яхши кайфиятла қарши оламиз. Барча байрамларнинг ўз ўрни, мавқеи бор. Лекин Наврўз байрамининг руҳи, шукуҳи ўзгача. Қарияларимиз бу байрамни йил боши сифатида кутиб олишган. Бу удум, анъана ҳозирда ҳам давом этаётгани қалбларни қувончларга тўлдиради. Демак, қадимий удумларимиз ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Шундай тароватли дамларда жорий йил режаларини белгилаб олиш, уни амалга ошириш ҳақида ҳам ўйлагинг келади. Истиқлол йилларида алоқа тизимида ҳам мисли кўрилмаган даражада жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Соҳамизга факс, компютер, Интернет, электрон почта сингари замонавий, жаҳон андозаларига мос технология ва хизматларнинг кириб келиши ишнинг сифатини, унумини таъминлади. Эндиликда ҳисоб-китоб ишларини бир зумда амалга ошириб, керакли жойларга етказиш имкони туғилди. Воҳадаги туман телекоммуникациялар боғламаларига энг керакли кўрсатмалар, буйруқ ва янгиликлар бизнинг бўлим орқали юборилади.

Мижозлар билан ишлаш ҳам осонлашди. Барча ҳисоб-китоб ишлари компютерлар орқали амалга оширилмоқда. Мижозлар телефон хизмати ҳақларини ўз вақтида тўлашмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб мамлакатимиз халқини, қолаверса, барча ҳамкасбларимизни кириб келаётган Наврўз байрами билан чин дилдан табриклайман.

**Бобур ҚУВОНОВ, Қашқадарё вилояти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ бош сараловчиси:**

— Элга зиё, янгилик, кундалик матбуот нашрларини етказиш асосий иш фаолиятимиздир. Шу йўлда 1995 йилдан бери ҳормай-толмай меҳнат қилиб келяпман. Ўтган йиллар ичида шу соҳада ишлаб, анча-мунча тажриба орттирдим.

Корхонамиз обуначилари сони йилдан-йилга ошиб боряпти. Ўз ишингни севсанг кечаю кундуз меҳнат қилиб ҳам чарчаш нималигини билмас экансан. Байрамларда эса тиним билмай ишлашга тўғри келади. Байрам, дам олиш кунлари деб қараб туришни бу соҳа ёқтирмайди.

Қарши шаҳрида 36та матбуот дўконлари мавжуд бўлиб, воҳа бўйича яна 14та туманга бизнинг бўлим орқали хизмат кўрсатилади. Марказий, вилоят ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларининг 70 хилдаги газета-журналлари сотув учун юборилади.

Наврўз нафақат покланиш, гина-кудуратларни унутиш, балки йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, янгича ишлаш байрами ҳамдир. Бутун олам кўм-кўк либосга бурканган, теварак атрофдаги гўзаллик сизни ҳайратлантиради. Бундай кезларда фақат эзгу ишларга қўл ургинг келади.

Байрам барча-барчага бахт олиб келсин!

**Зулайҳо ҚОДИРОВА, “Қашқадарё почтаси” АЖ Косон филиалининг “Косон-1” почта алоқаси бўлими бошлиғи.**

“Xabar” газетасининг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Бундан 12 йил олдин газета қандай эдию, бугун қандай? Илгариги нашрларига таққослаганимда, газета анча шаклланиб ўз муштарийларига эга бўлганлигини ҳис этаман. Кейинги пайтларда газетада қизиқарли материаллар, илғор почта ходимлари фаолияти ҳақида мақолалар берилаётгани қувонарли ҳолдир. Эндиликда газета 8 саҳифа чиқмоқда. 1-8 саҳифалар эса рангли чиқаётгани ҳар бир муштарий диққатини тортади, албатта.

Теледастурлар, 8-бетда доимо қизиқарли материаллар берилаётганини алоҳида таъкидлагим келади. Почта алоқаси соҳасига тегишли қарор, кўрсатма, янги атама ҳамда сўз луғатлари ҳам ўринли бериб борилмоқдаки, улар биз учун дастуриламалдир. Хуллас, ишимизнинг қанчалар шарафли эканлигини “Xabar” саҳифаларида ўқиб, тағин рағбат оламиз. Ғайратимизга ғайрат қўшилиб, янада шижоат билан ишлашга интиламиз.

Умуман, тармоқ ходимлари ҳаёти, ишдаги янги технологиялар, янгиликлар, ютуқ ва камчиликлар, соҳадаги ташвишли ҳолларни шу газета орқали ўқиб биламиз.

Наврўзни янги кун, янги йил байрами сифатида нишонлаймиз. Бундан ўн икки йил муқаддам ҳам Наврўз байрами арафасида янгилик рўй берган эди. “Xabar” газетаси айнан Наврўз кунлари дунё юзини кўрганди. Мана, газетанинг 601-сонини ҳам ўқиш бахтига муяссар бўлмоқдамиз.

**Идрис АБДУЛЛАЕВ, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 23-АТС етакчи муҳандиси, Республикада хизмат кўрсатган алоқа ходими:**

— Оддий иш кунларида ҳам, байрам арафаларида ҳам “Xabar” газетасини қўлга олар эканман, ҳар гал соҳамиз нашри ижодкорлари меҳнатининг ўзига хос машаққатларини аниқ ҳис этаман. Чиндан ҳам, тобора ривожланиб бораётган мамлакатимиз телекоммуникация соҳаси билан баб-баравар қадам ташлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Шу боисдан ҳеч муболағасиз “Xabar” ходимларини журналист-алоқачилар дегим келади. Севимли газетамизнинг бундан роппа-роса 12 йил олдин айни Наврўз кунларида нашр этила бошланганлиги эса мустақиллигимиз шарофатидандир.

Ўтган давр ичида газета республикамиз алоқачилари ҳамда соҳа мутахассисларининг ҳаёт кўзгусига айланди, десам хато қилмаган бўламан. Касбдошларим буни ҳар қадамда эътироф этишади. Севимли нашримизнинг яна узоқ йиллар қизиқарли ва оммабоп тарзда чоп этилишига, алоқа соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга жойларда ечимини кутиб турган айрим муаммоларнинг ҳам тўлақонли тарзда ёритилишига тилаклошман.

Юртимизда “Меҳр ва мурувват йили”нинг ёшу қарига чексиз қувонч улашгувчи саодатманд ва фараҳбахш Наврўзи кезиб юрибди. Мен ана шу қутлуғ айём муносабати билан азиз ватандошларимни ва “Xabar” газетаси таҳририятининг барча ходимларини қизғин муборакбод этаман. Наврўзи олам ҳаётимизга чексиз шодлик, қувонч ва бахт-саодат, омад олиб келаверсин!

**Баҳром МУРОДОВ ва Асқар ИСТАМОВлар ёзиб олишди**



## ХУШ КЕЛИБСАН НАВРЎЗИ ОЛАМ!

Баҳор, бунча чиройингга шайдо қилгайсан,
Йўқдан ажиб мўъжизалар пайдо қилгайсан.
Ҳар юракда ишқ ўтини барпо қилгайсан,
Дуога қўл очаётир муштипар онам —
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Аждодларим қутлаб ўтган азиз айём бу,
Ҳур Истиқлол қайтиб берган буюк инъом бу,
Умрим бўйи шарафласам мангу илҳом бу,
То ҳаётман мадҳинг ёзиб куйлайин мен ҳам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Ирмоқларда шилдир-шилдир сувлар оққайдир,
Бобо қуёш ўрикларда чақмоқ чаққайдир,
Бинафшанинг атри билан тонглар отгайдир,
Еру кўкни гулга ўраб яшнатар кўклам —
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Авжи кўклам рақсга тушар ҳислар туғёни,
Наволарга тўлиб кетар юртнинг ҳар ёни,
Шундай кунга етганларнинг йўқдир армони,
Олам-олам орзуларга йўлдошсан бу дам —
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Тонг туриб ҳар майсанинг умрин тилайман,
Бойчечакка сирдош бўлиб кўнгил сўрайман.
Қалдирғочнинг парвозига парвоз улайман —
Кўзларида ҳайрат тўла югурар болам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Бу кун тошқин дарё бўлиб денгизга етдим,
Ўрикнинг оқ гулларидай очилиб кетдим,
Ўзбекистон баҳорига қўшиқлар битдим —
Илҳом бериб менга ўзинг тутқаздинг қалам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА**

**13-14 март кунлари республикамиз бўйлаб Умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Унда алоқа соҳаси ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.**

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

**Умумхалқ** хайрия ҳашарида "Матбуот тарқатувчи" АК ходимлари корхона биноси ва унинг атрофини тозаладилар. Дарахтлар оқланди, ариқлар тозаланди. Хуллас, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбири уюшқоқлик билан ўтказилди.

Ҳашар тадбири акциядорлик компаниясининг вилоятлардаги барча бўлимларида ҳам кўтаринки руҳда амалга оширилди. Компания бош директорининг буйруғига кўра, ишчи ва хизматчиларнинг шу кундаги иш ҳақи Республика "Маҳалла" жамғармасининг жорий ҳисоб рақамига ўтказилди.

**Озода МУЗАФФАРОВА,**
**"Матбуот тарқатувчи" АК ходими**

## ҲАШАР — БОҚИЙ АНЪАНА

**Халқимизнинг** ўзига хос удумлари, урф-одатлари бор. Ана шундай боқий анъаналардан бири ҳашардир. Шу йилнинг 13-14 март кунлари, яъни Наврўзи олам арафасида мамлакатимиз миқёсида ўтказилган умумхалқ ҳашарида "Бухоро Телеком" филиали ҳамда унинг шаҳар ва туманлардаги телекоммуникациялар боғламалари меҳнат жамоалари ҳам фаол иштирок этдилар. Ушбу хайрия тадбирида 800 нафардан ортиқ бухоролик алоқачилар қатнашди.

Икки кун давом этган ҳашарда жами 6 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бир неча километр узунликдаги ариқлар тозаланиб, 8,5 тонна турли чиқиндилар шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди. Шунингдек, шу куни ҳашарчилар томонидан 550 туп манзарали ва 100 туп мевали дарахтлар, 1500 туп гул кўчатлари ўтқазилди.

Наврўзолди ҳашаридан тушган бир кунлик иш ҳақи "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказиладиган бўлди. Бу маблағлар аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак бериш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, жойларда оммавий спортни кенг кўламда йўлга қўйишга сарф этилади.

**Асқар ИСТАМОВ**
**Бухоро вилояти**

## ҲАШАР – МУРУВВАТ РАМЗИ

**"Қашқадарё Телеком"** филиалида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини кўнгилдагидек ўтказиш юзасидан тадбирлар тузилиб, филиал биноси олдида обод ва кўркам маскан барпо этиш режалаштирилган эди. Яқинда бу ерда кўплаб мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Жорий йилнинг 13-14 март кунлари республикамиз бўйлаб кенг миқёсда ўтказилган Умумхалқ хайрия ҳашарида "Қашқадарё Телеком" филиалининг 110дан зиёд ишчи-ходимлари ҳам фаол иштирок этишди. Бино атрофларини тартибга келтириш, дарахт ва кўчатлар, гулларга шакл бериш, тагларини юмшатиш, суғориш, оқлаш ишлари амалга оширилди. Ҳашардан тушган маблағ "Маҳалла" жамғармасига ўтказилди.


Баҳром МУРОДОВ олган сурат

## НАВРЎЗОЛДИ ОБОДОНЛАШТИРИШ

**Баҳор** эпкинлари остида диёримизга Наврўзи олам кириб келмоқда. Шундай улуғ айём арафасида "Сирдарё Телеком" филиали ходимлари ҳам 13-14 март кунлари бўлиб ўтган Умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этдилар. Хайрия ҳашари юртни обод қилиш, бирдамлик, хайру саховат каби миллий қадриятларимизга уйғунлашиб кетди.

Шу куни вилоятнинг барча телекоммуникациялар боғламаларидан жами 469 киши ҳашарда иштирок этди. Улар корхона атрофларини, ҳовли ва йўлакларни тартибга солиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар. Шунингдек, яхши ният билан 2067 туп манзарали ва мевали дарахтлар, 772 туп гул кўчатлари ўтқазилди. Ҳашардан тушган 392300 сўм миқдоридаги маблағ вилоят "Маҳалла" жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди.

"Сирдарё Телеком" филиали жамоаси Наврўзолди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини давом эттириб, баҳор ва гўзаллик байрами — Наврўзи оламни меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб олишга аҳд қилганлар.

**Умар РАЖАБАЛИЕВ,**
**"Сирдарё Телеком" филиали етакчи муҳандиси**

## ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ КЕНГАШИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)**

Жойлардаги JBIC лойиҳаси бўйича қурилиши бошланган объектларда масъулиятни ҳис этган ҳолда назорат олиб бориш ва уларни фойдаланишга топширишда сифатига аҳамият бериш, радиотелефон ва таксофон хизматларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан тегишли органлар мутахассислари билан рейдлар ўтказиш, соҳада фаолият юритаётган оператор ва провайдерлар бўйича доимий мониторинг ишларини олиб бориш каби масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Шу билан бирга, кўрсатилаётган хизматлар юзасидан тушаётган шикоятларни тўлиқ, батафсил ва сифатли ўрганиб чиқиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларига, келгусида уларнинг олдини олиш масалаларига ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларнинг мурожаатларига эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Кенгашда почта алоқаси корхоналарида почта жўнатмалари ва пенсия суммаларининг сақланишини таъминлаш, хат-хабарлар ва суғурта жўнатмаларни расмийлаштириш, тарифларни қўллаш, телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш, алоқа бўлимларини телефонлаштириш масалалари юзасидан тегишли чоралар кўриш зарурлиги эслатиб ўтилди. Ўтган йил мобайнида ДАИ Кенгаши қарорлари, буйруқ ва фармойишлари ижросини таъминлашга эътиборсизлик билан ёндашган, текширишлар самарадорлигига эришмаган, ижро интизоми ва назоратни масъулият ҳамда жавобгарлик ҳиссини сусайтирганлиги учун Қашқадарё вилояти ДАИ бошлиғи А.Раззоқовнинг ўз лавозимига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш, шунингдек, ҳисобот даврида айрим камчиликларга йўл қўйганлиги учун Навоий вилояти Давлат алоқа инспекцияси (бошлиғи Ғ.Орзиқулов)нинг иш фаолиятини ўрганиб чиқиш ва тегишли таклифларни бериш кўрсатиб ўтилди.

Кенгашдан сўнг Давлат алоқа инспекцияси ходимлари учун ўқув семинарлари ўтказилди. Семинар ишини Давлат алоқа инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Гаюпов олиб борди.

**Эргаш МАТҚУРБОНОВ**



ВЫШЕЛ В СВЕТ

# ФЕВРАЛЬСКИЙ НОМЕР ЖУРНАЛА INFOCOM.UZ




**На обложке** февральского номера журнала InfoCOM.UZ красуется павлин, который расправил свой пышный хвост, только вместо перьев авторы обложки изобразили множество различных шнуров с несовместимыми между собой разъемами, и это не случайно. Дело в том, что основной темой номера являются вопросы внедрения новых стандартов в информационно-коммуникационных технологиях, когда каждый производитель продвигает свой стандарт, считая его самым удобным. Однако пользователю бывает нелегко и затратно переходить на новые стандарты. На обложке так и написано: "Чего ожидать нам от новых стандартов?".

Действительно, ИКТ развиваются настолько стремительно, что каждые 1,5-2 года на рынке появляются совершенно новые продукты, которые имеют новые интерфейсы, разъемы и требования. С учетом конвергенции ИКТ-технологий вопросы внедрения новых стандартов выходят на первый план.

Авторы несколько расширили понятие "стандарт", поэтому целая серия статей рассказывает как о новых процессорах, чипсетах для системных плат, методах организации работы системной памяти ПК, так и о новых стандартах широкополосного беспроводного доступа.

В статье "Так ли опасен серийный убийца?" рассматриваются сложности с внедрением нового интерфейса Serial ATA для жестких дисков, а в краткой статье "Глобальные тенденции на рынке жестких дисков" вообще говорится о том, что несмотря на то, что винчестеры стали крупными в плане объемов записываемой на них информации, они при этом изрядно уменьшились в размерах. Самый маленький из выпускаемых серийно жестких дисков имеет размер 0,85 дюйма при объеме до 4 Гбайт.

Статья "Мобильная связь для персонального компьютера" посвящена не мобильной (сотовой) связи в привычном понимании, просто сегодня по всему миру стремительно стал распространяться новый стандарт широкополосного беспроводного доступа WiFi (802.11 a/b/g), а число точек коллективного широкополосного доступа к Интернет, или так называемые хот-споты, в мире уже исчисляются сотнями тысяч. Мечта любого бизнесмена — иметь защищенный беспроводной доступ к сети Интернет в любой точке мира на скоростях более 11 Мбит/сек. благодаря новой технологии становится реальностью.

В статье "Высокое качество связи, внедрение новых видов услуг, снижение тарифов" рассказывается о том, что компания Daewoo Unitel не только снижает тарифы, но и внедряет на рынок Узбекистана новый вид услуг GPRS (Услуга пакетной передачи данных), благодаря которой доступ в Интернет на скоростях 50-60 Кбит/с посредством самого обычного сотового телефона с функцией GPRS станет реальностью для наших граждан уже в этом году.

Молодым ученым будет интересна статья "ВАК: современные информационные технологии в реализации стратегии наращивания интеллектуального потенциала республики", в которой автор – председатель ВАК доктор технических наук Мухсин Мухитдинов рассуждает о применении информационных технологий в реализации государственной политики по подготовке и аттестации научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации.

Небольшая, но содержательная статья "Индустрия программных продуктов Индии" информирует читателей о впечатляющих успехах Индии в вопросах создания мощной индустрии программных продуктов, годовой оборот которой составляет более 12 млрд. долларов в год. Индийский опыт изучали специалисты УзАСИ, которые побывали в городе Хайдарабад и посетили филиал "Технопарка Индии по программированию STPI".

96 страниц февральского номера журнала InfoCOM.UZ содержат более тридцати статей. В их числе статьи об Интернете, провайдерах: "РОЛ-твой Интернет", "Unitech: не думай о других, выбери лучшее, испытай роскошь общения". Для бухгалтеров будет полезна статья "О проблемах со списанием чернил, порошка, бумаги и картриджей". Любители музыки и интересных радиопрограмм могут прочитать статью "Радио "Сезам"-волна твоей удачи". Программистов может заинтересовать статья "Волшебные превращения, или Прикладные программные средства распознавания образов". "УзНЕТовцы" могут узнать подробности о проведении неформального интернет-конкурса на самый лучший сайт из статьи "Конкурс на самый лучший сайт – итоги и уроки". Есть еще и обзоры компьютерной техники.

Главным подарком для читателей InfoCOM.UZ накануне предстоящего всенародного праздника Навруз станут тестовые трехчасовые интернет-карты ROL, которыми можно пользоваться в любом областном центре Узбекистана. Интернет-карты ROL вложены в каждый третий журнал февральского номера.

Редакция журнала InfoCOM.UZ поздравляет всех жителей Узбекистана с наступающим праздником Навруз. Читайте журнал и информационные технологии станут для вас еще ближе и роднее.


## АО «Узимпэксалока»

### 10 лет на рынке Узбекистана

*оказывает агентские услуги по заключению и сопровождению импортных контрактов на поставку телекоммуникационного оборудования, а также по таможенному оформлению товара для предприятий Узбекского агентства связи и информатизации и других организаций.*

**Оплата услуг по перечислению.**
**Цены приемлемые.**



*Организация имеет лицензию таможенного брокера и квалифицированных декларантов*

**Тел./ Факс: 136-37-73, 136-22-67, 144-29-70**
**E-mail: uzimpex@sarkor.uz**


## ОБЪЯВЛЕНИЯ

***16 апреля 2004г. в 10.00 в конференц-зале АО "Тошкент почтамти" состоится годовое общее собрание акционеров "Тошкент почтамти".***

***Начало регистрации акционеров в 9.00***

### ПОВЕСТКА ДНЯ:

- Утверждение отчета директора о приозводственно-хозяйственной деятельности за 2003г.
- Утверждение прогноза социально-экономического развития (бизнес-плана) Общества на 2004г.
- О продлении трудового договора с директором Общества на 2004г.
- Отчет о деятельности Наблюдательного совета Общества.
- Утверждение баланса производственно-хозяйственной деятельности Общества на 2003г. и итогов аудиторской проверки.
- Утверждение распределения чистой прибыли Общества.
- Распределение дивидендов Общества.
- Утверждение аудитора Общества на 2004г.
- Утверждение положения о вознаграждении членам Наблюдательного совета.

**Реестр акционеров закрыт по состоянию на 16.03.2004г.**

*С материалами общего собрания можно ознакомиться за неделю до собрания.*

**Наблюдательный совет**
**АООТ "Тошкент почтамти"**

**Совместная страховая компания ЗАО "ALFA INVEST" извещает о проведении очередного общего собрания акционеров 20 марта 2004 года в 11.00 часов по адресу: г. Ташкент, ул Буюк Турон 41.**

### ПОВЕСТКА ДНЯ:

*1. Утверждение уточненного в параметрах бизнес-плана ЗАО за 2004 год.*
*2. Утверждение годовых отчетов, бухгалтерских балансов, финансовых результатов, счета прибылей и убытков ЗАО за 2003 год.*
*3. Утверждение распределения прибылей и убытков по итогам 2003 года.*
*4. Принятие решения о проведении аудиторской проверки деятельности за 2003 год, об определении аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг.*

**Наблюдательный совет**
**ЗАО "ALFA INVEST"**

SOHAMIZ OLIMLARI

# ФАНГА БАХШИДА УМР

## ёки Билимга элтувчи бирдан-бир йўл

***Илм олиш, изланиш азалдан игна билан қудуқ қазишга менгзаб келинган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, илм чўққисини эгаллаш инсондан катта жасорат ва машаққат чекишни талаб этади.***

***Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Касбий педагогика" кафедраси мудири, профессор Абдувоҳид Қосимов илм йўлидаги барча синовларни енгиб ўтиб, устозлик, олимлик даражасига етишган инсонлардан. Устознинг меҳнат фаолиятига назар ташлар эканмиз, у доимо фан сирларини ўрганишда ва янгиликларни очишда тинмай изланиб, ўзини физик олим, илмий раҳбар, муҳаррир ва моҳир педагог сифатида намоён қилганлигининг гувоҳи бўламиз.***



**Абдувоҳид Қосимов** 1962 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг аспирантурасини тамомлагач Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика, Техника ва Ядро физикаси институтларида илмий ходим, 1965-1996 йилларда эса ТошПИда катта ўқитувчи, декан муовини, "Экспериментал ва назарий физика" кафедраси мудири вазифаларида ишлади. 1996-2001 йиллар давомида ТЭАИ муҳаррирлик нашр бўлимини бошқариш билан бирга "Алоқа дунёси" журналида фаолият кўрсатди. 2001-2002 йилларда ТАТУнинг "Физика" кафедраси мудири бўлган А.Қосимов айни дамда университетнинг "Касбий педагогика" кафедраси мудири лавозимида илмий-ижодий ва педагогик фаолиятини давом эттириб, ёш изланувчиларга раҳбарлик қилиб келмоқда.

70-йиллардаги микроэлектрониканинг талабларидан бири ўта юпқа, қалинлиги миллиметрнинг мингдан-миллиондан бир улушига тенг бўлган тизимларни яратиш ва бошқариш (ЭҲМнинг ўлчамларини қисқартириш, ишлаш тезлиги, хотирасини ошириш ва ҳоказолар) каби амалий масалаларни ҳал қилиш учун аввало моддалар сиртқи ва юпқа қатламларининг физик-кимёвий хусусиятларини белгиланган мақсад бўйича ўзгартириш зарурлиги эди. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда А.Қосимов қаттиқ жисмлар (металл, ярим ўтказгич ва диэлектрик моддалар)ни ишқорий ва ишқорий Ер элементларининг кичик энергияли (0,5÷20кэВ) ионлари билан легирлаш асосида иккиламчи электрон ва ион эмиссия хусусиятлари жуда катта бўлган (бир зарра таъсирида ўнлаб ва ҳатто юзлаб электрон ва ионли зарраларни ҳосил қиладиган) турли хил субмикрон қалинликдаги катодлар — самарадор эмиттерларни ҳосил қилиш технологиясини яратди. Самарали эмиттерлар жуда кичик миқдордаги токларни — алоҳида зарядланган заррачаларни қайд қилиш, кучайтириш, телевизион трубкалар ва тунги кўриш асбобларининг самарадор катодлари ва замонавий Қуёш батареяларининг асосини ташкил этади.

Устоз ва унинг шогирдлари олиб борган тадқиқотлар натижасида электрон лампалар, телевизион трубкалар, тунги кўриш асбоблари параметрларининг бузилишига олиб келадиган сабаблар аниқланди ва уларнинг самарали ишлашини таъминлай оладиган усуллар яратилди. Бу изланишлар натижалари республика ва чет эл заводларида кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Абдувоҳид ака раҳбарлигида олиб борилган изланишларнинг яна бир эътиборли томони бор. Атмосфера, тропосфера ва ионосфера қатламларини жуда катта, яъни 1 сонияда 11000 км/сдан ортиқ тезликда босиб ўтиб, коинотга чиқаётган ракетани тасаввур қилинг. Бу қатламларда "тинч" турган зарралар ракетани унинг нисбий тезлигига тенг тезлик билан бомбардимон қилиб, ундан ҳар хил иккиламчи зарраларни уриб чиқаради. Натижада ракетанинг сирти жуда катта тезлик билан емирилади. Шу жиҳатдан юқорида айтилган зарядланган зарраларнинг ҳар хил моддалар билан таъсирини ўрганиш моддаларнинг емирилувчанлигини камайтиришда, демакки қурилмаларнинг коинотга чиқиб, Ерга қайтиб тушишини таъминлашда ва бошқа турли масалаларни ҳал қилишда амалий ва назарий аҳамиятга эга. Бу илмий ва илмий-услубий ишлар натижасида А.Қосимов раҳбарлиги ва кўмагида бешта докторлик, 26та номзодлик бўйича диссертациялар ёқланган.

Унинг шогирдларидан кўпчилиги, жумладан, Қарши иқтисодиёт-муҳандислик институти ректори, профессор М.Нормуродов, профессор Б.Умурзоқов ва бошқалар ҳозирги кунда республикамизнинг турли соҳаларида устозлари томонидан яратилган илмий йўналишдаги ишларни ривожлантириб, фан докторлари, номзодлари ва кўплаб соҳа мутахассисларини етиштириб, жамиятимизнинг илмий ва маънавий салоҳиятини кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Абдувоҳид Қосимов ўзининг илмий ва илмий-услубий ишлари билан халқаро, республика ва университет миқёсида бўлиб ўтган кўплаб симпозиумларда муваффақиятли иштирок этган. Унинг илмий ишлари асосида 200га яқин мақола, бир монография, тўртта ўқув қўлланмаси, иккита маърузалар матни чоп этилган. Жумладан, университетимизда нашр этилган "Электрониканинг физикавий асослари", "Бирламчи алоқа тармоғининг техник хизматини автоматлаштириш" каби ўқув қўлланмалари ҳамда "Кимё", "Табиатшунослик" ва "Педагогика тарихи" маърузалар матни ТАТУ талабаларининг билимларини оширишда хизмат қилмоқда.

Домла нафақат олим ва устоз, балки университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ёшлар учун керакли шарт-шароит яратиб беришга интиладиган жонкуяр инсон ҳамдир. У киши ТАТУнинг "Физика" кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатган даврда (2001-2002 йиллар) Агентлик томонидан ажратилган 12 миллион сўмлик маблағ ёрдамида кафедра лабораториялари замон талаблари даражасида жиҳозланганлиги бунинг исботидир.

Ҳозирги кунда А.Қосимов "Касбий педагогика" кафедраси томонидан ўқитилаётган 15та фанни илғор педагогик технологиялар асосида ўқитишни амалга ошириш ҳамда уларни илмий-услубий қўлланмалар билан таъминлаш бўйича қатор ишлар олиб бормоқда. Шу кунларда домланинг "Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар" ҳамда "Махсус фанларни ўқитиш методикаси" қўлланмалари чоп этилиш арафасида турибди.

Биз домланинг "Изланувчанлик илм сари ягона йўлдир", деган ўгити ҳаётда ўз тасдиғини топаётганини ва билимга элтувчи бирдан-бир йўл фаолият, тинимсиз меҳнат эканлигини англаб етмоқдамиз.

**Р.АБДУЛАЗИЗОВА,**
**ТАТУ катта ўқитувчиси**






DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# КАМЧИЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛСА...

***Халқ фаровонлигини таъминлашда алоқачиларнинг ҳам ўзига яраша хизматлари бор. Соҳа ривожи сифатли алоқа хизматлари кўрсатиш имконини беради. Бу эса аҳолига яна бир қулайлик яратилади, деганидир.***

**Жиззах вилояти** Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2003 йил мобайнида ўтказилган ўрганишларда "Жиззах Телеком" филиалининг туман телекоммуникациялар боғламаларида ва "Жиззах почтаси" АЖ филиалларининг алоқа бўлимларида мижозларга кўрсатилаётган хизматлар, реклама ва эълонлар туридаги маълумотларнинг мавжудлиги, шу билан бирга, санитария ҳолатлари бўйича бир қанча камчиликлар ҳам борлиги аниқланган. Албатта, иш бор жойда камчиликлар бўлиши табиий, лекин уларнинг ўз вақтида бартараф этилиши таъминлансагина ишимиз олдига қараб силжишини унутмаслигимиз керак.

"Жиззах Телеком" филиалининг Зарбдор, Фориш, Зафаробод, Дўстлик, Зомин ва Ғаллаорол телекоммуникациялар боғламаларида аниқланган камчиликлар ҳамон тўлиғича бартараф этилмай қолмоқда. Ўн иккита туман марказий АТСларининг тўрттасида автоматик шаҳарлараро кириш ва чиқиш телефон алоқасини ташкил этиш ишлари етарлича олиб борилмаётган бўлса, қолган саккизта автоматик шаҳарлараро кириш ва чиқиш телефон алоқаси ташкил этилган туман марказий АТСларида кириш боғланишлари белгиланган меъёрда эмас.

"Жиззах почтаси" АЖда Ўзбекистон Республикаси "Метрология тўғрисида"ги қонунининг бажарилиши бўйича маълумот таҳлил қилинганда, жами 99та тарозиларнинг фақат иккитасигина қиёслашдан ўтказилганлиги маълум бўлди. Бундан кўринадики, тарозиларнинг тўғри ишлаётганлигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Таксофонлар аҳолининг телефон хизматига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутади. Бу борада "ЎЗИ-Жиззах" филиали билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида жами 147та шартнома асосида таксофонлар ташкил этилиб, истеъмолчиларга хизмат кўрсатаётганлиги қувонарли ҳолдир. Лекин улар томонидан таксофон хизматларига тарифлар тўғри қўлланилмоқдами? Бу борада "ЎЗИ-Жиззах" филиали билан ҳамкорликда ўрганишлар ўтказилганда вақтбай тўлови жорий этилган АТСлардан телефон рақами берилган таксофонларда шартнома шартларида тарифлар кўрсатиб ўтилган бўлса-да, улар нотўғри қўлланилаётгани аниқланди.

Бундай камчиликлар натижасида Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Метрология тўғрисида"ги қонунлар талабларининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Ўйлаймизки, тез фурсатлар ичида тегишли раҳбар-ходимлар юқоридаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.

**О.ДОБИЛОВ,**
**Жиззах вилояти ДАИ бошлиғи в.б.**









*"Тилга эътибор — элга эътибор".*
*Алишер НАВОИЙ*

**Бу йил "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганига роппа-роса 15 йил тўлади. Тарихан олиб қараганда, бу унчалик ҳам кўп давр эмасдир. Бироқ масаланинг яна бир томони борки, беихтиёр кишини мулоҳазага чорлайди. Ушбу қонун қабул қилинган йили мактаб остонасига илк қадамини қўйган болакай бугун қайсидир бир олийгоҳни битириш арафасида турибди ёки қайсидир ташкилот, муассасада фаолият юритмоқда. 1993 йилда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши эса бу борада бажарилиши лозим бўлган ишлар кўламини янада кенгайтирди. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий: Бугунги кунда турли корхоналарда, ишлаб чиқариш бирлашмаларида, қўйингки, барча жабҳаларда фаолият олиб бораётган турли миллат вакиллари ўзбек тилини билишадими? Ўзимизчи? Она тилимизни эъзозлаш учун, унинг равнақи йўлида нималар қиляпмиз?**

# ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

**Маълумки,** Давлат дастурига мувофиқ, 2005 йилнинг 1 сентябридан бошлаб республикамизда тўлиқ лотин ёзувига асосланган давлат тилида иш юритиш белгиланган. Агар жорий йилнинг биринчи чораги ҳам ниҳоясига етаётганини ҳисобга олсак, бунга оз муддат қолгани аён бўлади. Хўш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунларнинг ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Давлат тилини мукаммал ўзлаштириш ва янгича шарт-шароитларда ишлаш учун ходимларнинг тайёргарлиги қай даражада ва шу йўналишда олиб борилаётган дастурий тадбирлар қандай самара бермоқда?

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, Агентлик ва унинг тизимидаги акциядорлик компаниялари, корхоналар, ташкилот ва муассасаларда ушбу қонунларнинг ижросини таъминлаш бўйича эътиборга лойиқ қатор ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Агентликнинг 2003 йил, 10 июндаги "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунларнинг ижроси ҳамда Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилишининг самарадорлигини янада ошириш чоралари тўғрисида"ги буйруғига асосан Агентлик Ишчи комиссиясининг 13 нафар аъзосидан иборат таркиби тасдиқланган ва ушбу комиссия томонидан 2003 йилда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар режаси белгиланиб, жойларга етказилган. Шунингдек, Агентлик аппарати бўлимлари ходимларининг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганишлари учун уч ойлик курслар ташкил этилди.

Қатор компаниялар, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг бажарилган ишлар ҳақида Агентликка тақдим қилинган ахборот ва маълумотлари таҳлил қилинганида улар томонидан мазкур қонунларнинг ижросини босқичма-босқич амалга ошириш учун кенг қамровли тадбирлар режалари ишлаб чиқилганлиги ҳамда жойларда кенгайтирилган ишчи комиссиялари таркиби қайта тақсимланганлиги маълум бўлди. Бироқ бу борадаги мавжуд баъзи муаммоларни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Жумладан, корхона ва ташкилотларда тузилган комиссияларнинг фаолияти кузатилганда қонун ижросини таъминлаш бўйича улар томонидан қабул қилинган қарорларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва мукаммал даражада бажарилишига жиддий эътибор берилмаслиги кўзга ташланади. Аниқланган камчиликлардан яна бири шундан иборатки, айрим компания ва ташкилотларнинг жойларга юборилган буйруқ, кўрсатма ҳамда меъёрий хужжатлари рус тилида тайёрланган.

Ўтган йили Агентликнинг бир гуруҳ мутахассислари томонидан Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари алоқа корхоналарида давлат тилида иш юритишнинг аҳволи ҳамда ходимларнинг янги алифбони ўргатиш ўқув машғулотлари қай даражада ташкиллаштирилаётганлиги ўрганилиб ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар талайгина эканлиги аниқланган. Жумладан, баъзи корхоналарда жамоа шартномалари, штатлар жадвали, низомлар, ишлаб чиқариш буйруқлари рус тилида расмийлаштирилиши, умуман, иш юритиш фақат рус тилида олиб борилгани, молия ва солиқ идоралари билан ўзаро ёзишмаларнинг давлат тилида расмийлаштирилиши, шунингдек, ўзбек тили ва янги алифбони ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ишлари яхши йўлга қўйилмагани ошкор бўлган. Ишчи гуруҳ мутахассислари "Сирдарё почтаси" АЖ, "Самарқанд почтаси" АЖ, Сирдарё вилояти "Матбуот уюшмаси" МЧЖ, Самарқанд вилояти "Матбуот уюшмаси" МЧЖ, "Сирдарё Телеком", "Қашқадарё Телеком", "Жиззах Телеком" филиаллари, Жиззах шаҳар телефон тармоғи, Самарқанд радио, телевидение узатиш маркази, "ЎЗИ-Жиззах", "ЎЗИ-Қарши" филиаллари ва бошқа алоқа корхоналарига мавжуд камчиликларга барҳам бериш, ходимларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўқитишга жиддий эътибор қаратиш юзасидан керакли тавсия ва кўрсатмалар беришган. Шулардан келиб чиқиб, "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Агентликнинг бу борадаги тегишли буйруқлари ижросини таъминлашда бошқаларга ўрнак бўлаётган корхоналар ҳам мавжудлигини инкор этмаган ҳолда республикамизда иш юритиш, ҳужжатшунослик, муассаса ва ташкилотлараро ёзишмаларни давлат тилига ўтказиш муддати 2003 йилнинг 1 январидан кучга кирганини эслатиб ўтишни жоиз деб топдик.

2004 йилнинг 29 январ куни Агентлик раҳбарияти томонидан сим орқали ўтказилган селектор йиғилишида алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги акциядорлик компаниялари, корхоналар, ташкилот ва муассасаларда "Давлат тили ҳақида"ги қонунни амалга ошириш бўйича тузилган ишчи-комиссиялар раҳбарлари иштирокида қабул қилинган қонунларнинг ижроси ҳамда Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, эришилган ютуқлар билан бир қаторда жойлардаги мавжуд камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Дастурда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини босқичма-босқич таъминлаш юзасидан 2004 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, соҳанинг барча компания, ташкилот, корхона ва муассасалари раҳбарлари мазкур қонунларнинг ижросини таъминлаш ҳамда Агентлик томонидан чиқарилган буйруқларда белгиланган чора-тадбирлар, вазифа ҳамда муҳим топшириқлар ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратишлари зарурдир. Зеро, барча корхона ва ташкилотларда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини, Давлат тили мақоми берилган ўзбек тилининг таъсирчанлиги ва нуфузини оширишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз энг муҳим ва биринчи галдаги вазифа эканлигини унутмаслигимиз керак.

**Бердиёр ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош юридик маслаҳатчиси,**
**Собит АҲАДОВ,**
**"Xabar" мухбири**

## ЯНГИ АЛИФБО ЎРГАНИЛМОҚДА

**Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ижтимоий соҳага, хусусан, миллий қадриятларни тиклаш ва эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Она тили ва миллий ёзув ана шундай буюк қадрият сифатида мустақил давлатимизнинг ҳар томонлама камол топишида ҳамда умумжаҳон коммуникация тизимига киришни жадаллаштиришга хизмат қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил, 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили" ҳақидаги қонунининг янги таҳририни амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги қарорига кўра лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини ўрганиш барча муассаса ва ташкилотларда 2005 йил, 1 сентябрда тугалланади. Шу муддатдан бошлаб республикамиздаги барча соҳаларда, жумладан, алоқа соҳасида ҳам давлат тилида иш юритиш янги алифбода олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил, 18 сентябрдаги "Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ва имлосини ўрганиш курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини соҳага жорий этиш мақсадида "Наманган Телеком" филиали Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлимининг "Тафаккур" илмий-маърифий ўқув курси қошидаги "Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ва имлосини ўрганиш маркази" билан шартнома имзолади. Унга кўра Наманган Давлат университетининг малакали ўқитувчилари филиалда унинг шаҳар ва туман телекоммуникация бошламаларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатишни олиб борадилар.

Ҳозирда бошқарув аппарати ишчи-ходимлари ўқитилмоқда. Бу айниқса, русийзабон ходимларга қўл келмоқда. Тингловчиларга курс якунида сертификат берилади. Шунингдек, марказ томонидан янги алифбони ўрганиш учун чоп этилган услубий қўлланма ва дарсликлардан амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

**Баҳодир БОЛТАБОЕВ,**
**"Наманган Телеком" филиали мутахассиси**


ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ



# ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ

**“Барчамизга маълумки, аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш даражасини янада такомиллаштириш халқаро Интернет тизимига кенг миқёсда уланиш билан бевосита боғлиқдир”.**

***Ислом КАРИМОВ***

**Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 7 февралида бўлиб ўтган йиғилишида билдирилган бу хулосани ҳеч иккиланмасдан бугуннинг гапи десак, адашмаймиз. Дарҳақиқат, биз ахборот асрида яшаяпмиз. Шундай экан, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганларидек юксак технологиялар, ахборот тизими ва телекоммуникацияларни кундалик ҳаётимизга кенгроқ жорий этмоғимиз лозим.

Қувонарлиси, бу борада дастлабки қадамлар ташланди. Жумладан, икки йилдирки, “ЎЗИ-Термиз” филиали қошида Интернет гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда. Шавкат Ёқубов раҳбар бўлган ушбу “Интернет-кафе”да мижозлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар учун қўшимча хизматлардан фойдаланиш имконияти ҳам яратилган.

Муҳими шундаки, Термиз шаҳридаги Интернет гуруҳига асосан малакали ёш кадрлар бирлашган. Ҳамкасблар мижозларга хизмат кўрсатиш одоби ва интизомига қатъий амал қилишмоқда. Интернетда умуман ишлаб кўрмаган ўқувчи-ёшлар ва талабаларни қизиқтирган саволларга ўз вақтида пухта жавоб бериляпти.

Интернет гуруҳи хизмат кўрсатишда фақат Термиз шаҳри билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Улар вилоят миқёсида ҳам ўз мижозларига эга. Мижозларга исталган ҳудуддан, яшаб, ишлаб турган жойидан тармоққа уланиш таъминланмоқда. Бунда шаҳарлараро уланиш ҳақи олинмайди.

“Интал Телеком” филиали орқали кўрсатилаётган Интернет хизмати ҳам қисқа муддат ичида катта эътибор қозона олди. Ўтган йили унинг мижозлари сони ҳамда даромад салмоғи уч баробар ошди. Жарқўрғондаги “Сурхонтекс” корхонаси, Ангордаги “Меҳригиё” маркази, “Сурхондарёпахтасаноат” бирлашмаси каби жамоалар эса “ЎЗИ-Термиз” филиалига қарашли “Интернет-кафе”нинг асосий ҳамкорларига айланишган.

Шуни айтиш лозимки, кейинги пайтда Интернет хизматлари учун тарифлар бевосита мижозлар манфаати кўзланган ҳолда икки марта ўзгартирилди. Агар 2002 йилда бир соатлик Интернет баҳоси 1680 сўмни ташкил этган бўлса, эндиликда 700 сўм миқдорида ҳисоб-китоб қилинмоқда. Хизмат ҳақининг камайтирилиши мижозларга қулайлик яратибгина қолмай, улар сафи мунтазам ўсиб боришини ҳам таъминлаяпти. Қизиқишнинг бу тарзда ортиб бориши инобатга олиниб, жорий йилда туманларда яна иккита “Интернет-кафе” очилиши мўлжалланмоқда.

Хуллас, Интернет хизмати ўзининг тезкорлиги ва қулайлиги билан кундалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда.

**Нортожи ЗИЁЕВ**
**Термиз шаҳри**




*Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан фойдаланса, барака топади. Кимки нафс хоҳиши билан дунёни муккасидан кетиб эгалласа қиёмат куни дўзахдан бошқа нарсага эришмайди.*

***Ҳадисдан олинди***

# МЕҲНАТНИНГ САМАРАСИ

***Алоқанинг барча турлари тараққий этаётган бугунги кунда замондан ортда қолмай фаолият кўрсатиш талаби “Сурхондарё Телеком” филиали маъмуриятига ҳам катта масъулият юкламоқда. Халқ хўжалигининг қатор тармоқларида бўлганидек, алоқа корхоналарида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларини кафтдагидай кўриб турадиган, теран фикрлаб, ўз таклифлари билан даромадга катта улуш қўшадиган тадбиркор мутахассислар доимо қадрланиб келинган.***

**Тошкент электротехника алоқа институти** (ҳозирги ТАТУ)нинг автоматик электралоқа факултетини электралоқа муҳандиси мутахассислиги бўйича тамомлаган Шермамат Шомуродов 20 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилмоқда. У ўқишни тугатиб қайтгач, уч йил вилоят филиалида муҳандис, 1987 йилдан 2001 йилгача Жарқўрғон телекоммуникациялар боғламасида бош муҳандис бўлиб ишлади. Мана, тўрт йилдирки ушбу боғламага раҳбар. Ўтган давр ичида у соҳани яхши билиши, шунингдек, хушмуомалалиги ва самимийлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Ўзи ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги эвазига эса боғлама бўйича белгиланган режа ва топшириқларнинг вақтида бажарилишини, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатилишини таъминлади.

Бугунги кунда боғлама жамоаси тумандаги 3466та телефон эгаларига намунали алоқа хизмати кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, 25та таксофонлар ҳам ишлаб турибди. Жойлардаги 10та АТСнинг ҳам доимо бенуқсон ишлаши назорат остига олинган. Айни дамда туман алоқачилари мавсумни ҳеч қандай камчилик ва носозликларсиз ўтказиш мақсадида иш олиб боришмоқда. Жумладан, шу давргача барча АТС ва алоқа линиялари кўздан кечирилиб, қайта таъмирланди. Электр энергиясида узилиш рўй берганда қўшимча генератор ва аккумуляторлар кераклиги эътиборга олиниб, дизел ёқилғиси билан ишлайдиган иккита генератор ва битта аккумулятор олиб келиб қўйилди.

— Туманимизда 152 мингга яқин аҳоли яшайди. Уларга замонавий алоқа хизмати кўрсатиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир, — дейди Ш.Шомуродов. — Жамоамиз доимо ҳамжиҳатликда меҳнат қилгани боис, ишларимиз яхши самара бермоқда.

Жарқўрғон телекоммуникациялар боғламаси 2003 йил давомида аҳоли, корхона ва ташкилотларга кўрсатган хизмати эвазига жами 116 млн. 663 минг сўм даромад қилган бўлса, соф фойда 21 млн. сўмни ташкил этди. Олинган фойда эвазига жамоада ишлаётган 65 нафар ходимнинг ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилишига замин яратилди. Ҳозирда ходимларнинг ўртача иш ҳақи 40-45 минг сўмга тенгдир. Шу билан бирга, улар турли байрамларда моддий рағбатлантирилмоқда. Биринчи марта никоҳдан ўтувчиларга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида ёрдам пуллари бериб келинаётир. Жамоада алоқачилик касбини эъзозлашга бел боғлаган ёш ходимларга кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик ҳам диққатга сазовордир. Салоҳиятли ва интилувчан ёш ходим ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди.

Ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган эътибор, меҳрибонлик эртага ўз мевасини бериши муқаррар. Ютуқлар ўз-ўзидан келавермайди, албатта. Кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган муҳандис, электромонтёр ҳамда телефончилардан Р.Йўлдошев, А.Йўлдошев, М.Бўриев, М.Шерматов, Э.Олломуродов каби ходимларнинг меҳнати эвазига жамоа ана шундай натижаларга эришиб, ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлмоқда.

**Назиртош НАЗАРОВ**
**Сурхондарё вилояти**



2004 YIL — MEHR VA MURUVVAT YILI

# КЎНГИЛЛАРНИ НУРАФШОН АЙЛАБ

***"Фарғона Телеком" филиалида касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб махсус дастур ишлаб чиқилган эди. Шу асосда қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.***

— **Соҳамизда** анъанавий бўлиб қолган меҳр-мурувват тадбирлари кўламини бу йил анча кенгайтирдик, — дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Аҳмаджон Усмонов. — Уруш ва меҳнат фахрийларига, боқувчисини йўқотганларга, ногиронларга, камхарж оилаларга ёрдамни янада кучайтирамиз. Наврўз ва касб байрамимизни, мустақиллик шодиёнаси, шунингдек, муборак ҳайит кунлари тантаналарини ўтказишга ҳам аввалги йиллардагидан кўпроқ маблағ ажратишни режалаштирганмиз. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, фарзандларимизни ўқув қуроллари билан таъминлаш, оромгоҳларда дам олишлари ва спартакиада мусобақаларини ўтган йилгидан ҳам яхшироқ ташкил этиш ниятидамиз.

Бу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун маблағимиз етарли. Истагимиз алоқачилар маънавий ва моддий фаровонлигига муносиб улуш қўшишдир.

## СИФАТЛАРНИНГ ЭНГ НАФИСИ — САХОВАТ

**Боши** ёстиққа текканда Юсуф аканинг кўзига дунё қоронғу эди. Олтмишни қоралагунча ҳаловат нима билмай тинимсиз ишлашга одатланган одам шифтга термулиб ётиб қолса, бундан ёмони йўқ экан.

Шундай умидсиз кунларнинг бирида бемор тепасида кимлардир ўзига қараб турганини ҳис этиб, аста оғир қовоқларини кўтардию, қадрдон чеҳраларни таниди — Тошматов, Жўраев, Усмонов, Бибарсов... Суюниб кетди. Ажабо, инсон оқибатнинг шундайин қудратини чамалаб кўрмоғи учун шу тахлит синовларни бошдан ўтказмоғи керак бўлса...

Ўрнидан турмоққа чоғланди, лекин қўзғалишига қўймадилар. Самимият балққан қадрдон нигоҳлар, дўстона муносабатлардан дарди ҳам нари кетгандай бўлди. Операциядан олдин кўргани келишгани айни муддао эди.

Мириқиб гаплашиб ўтирдилар. Қайтишаётганда "Сиз бизга ҳали кўп керак бўласиз. Касалликка бўйин эга кўрманг", деб кўнгилга далда бўладиган сўзларни айтишди.

Операциядан яхши чиқди. Ҳуш-беҳуш ётаркан қулоқларига олис-олислардан узуқ-юлуқ садолар чалинди:

— Бемор Шайиповга қон бергани келганларни кўрдингми, етти-саккиз киши, кирамиз деб туриб олишибди.

— Етти-саккизта! Қара-я, бир-бирларини шундай қадрлашаркан. Яхши одамга келишадида.

— Нимасини айтасан. Онам, яхшилик шундай нарсаки, ҳеч қачон жавобсиз қолмайди дейдилар.

Юсуф ака касалхонанинг реанимация бўлимида ётганини, ўзидан сал нарироқда оҳистагина гаплашаётганлар эса ёшгина ҳамшира қизлар эканлигини базўр англаб етди. Кимлар қон бергани келдийкин. Қўзибой ака, Абдуҳаким, Фарҳоджон, Абдуқодир, Олег, Шерзод... Ахир, улар ҳатто етти ёт одамни ҳам бир яхшилик билан хурсанд қилсам, дегувчи бебаҳо одамларда.

Кейинроқ сал қувватга кириб, ўзининг палатасига ўтказишганда ҳамкасблари яна келишди.

— Э, Юсуф ака, шунча дам олганингиз етар. Бўлинг, ишга чиқинг, сизсиз ҳамма ёқ ҳувиллаб қолди...

Оддий сўзлар юракдан айтилса бошқача жаранглар экан.

... Қувасой телекоммуникациялар боғламасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Юсуф Шайипов "Фарғона Телеком" филиали раҳбариятидан, ўз жамоасидан, шифокорлардан қанчалар миннатдор эканлигини сўзда ифодалаб беролмайди. "Асло дард кўришмасин, соғ-омон бўлишсин", дейди, холос.

Юсуф ака эртага ишга чиқар экан...

Агар меҳр, қадр-қиммат аталмиш бойликлар — Ҳазрат Навоий айтганларидек сифатларнинг энг нафиси — саховат ҳаётини безамаганида қанчалар ғариб ва бенаво бўларди инсон.

## ИСАЕВАНИНГ САОДАТИ

— **Фарғонада** туғилганман. 2-мактабни битириб, бу ерга ишга келганимда ДРТС — радиотўлқинларни узатиш тармоғи деб юритиларди. Фаолиятимни ғазначиликдан бошладим. 1965 йилда ишхонам алоқа қурилиш-монтаж бошқармасига айлантирилди, — дея эслайди меҳнат фахрийси Клара Исаева. — Худди ўша йиллар халқ хўжалиги институтида сиртдан таҳсил олдим. Ёшлик куч-қувватимни аямай меҳнат қилардим. Бахтимизга ҳамма бошлиқлар ҳам меҳнатларимизни қадрлашарди. Михаил Роговский, Павел Ярних, Виктор Очкин, Лидия Беринд, Михаил Майоров, Ҳасан Аъзамов... Ҳаммаси ҳам бир-биридан оқил одамлар эди.

Уч йилдирки нафақадаман. Лекин қалбим доимо мана шу ишхонада туради. Ошқозонимни операция қилишганда ҳам ишхонам мададкор бўлди. Имон-эътиқодли ҳамкасбларим туфайли яна ҳаётга қайтдим. Ахир, мен ишхонада фақат ва фақат яхшилик, ҳар куни бир эзгулик кўрдим. Байрамларда эслаб, мукофотлар билан сийлашганда бошим осмонга етади. Ўтган йили алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси йўлланмаси билан "Чимён" сиҳатгоҳида соғлигимни тиклаб қайтдим. Раҳмат. Ҳар тонг ибодатимда раҳбарларимизга узоқ ва баракали умр тилайман.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**
**жамоатчи мухбиримиз**




## НАВРЎЗ ОЛАМ КЕЗМОҚДА

**Ҳиндларнинг** календарига эътибор берилса, унда байрам саналари 48та эканини кўриш мумкин. Бу байрам кунлари Ҳиндистонда яшовчи барча миллат ва элатлар учун расмий равишда қабул қилинган. Аммо барча миллат ва элатларнинг расмий календардагидан ташқари ҳам катта-кичик байрамлари бўлиб, улар давлат томонидан қонунлаштирилган. Зотан, ҳиндлар гоҳида ҳазиллашиб айтишганидек, агар Ҳиндистонда яшовчи барча миллат ва элатлар ўзларининг барча байрамларини нишонлагудек бўлсалар, улар ўн икки ой давомида ишламасдан байрам қилишларига тўғри келар экан.

Ҳиндистонликларнинг Наврўзга ўхшаган, баҳор ойида нишонланадиган бир нечта байрамлари бор. Улар — табиатнинг уйғониши билан боғлиқ бўлган, халқ орасида кенг тарқалган ва расмий равишда кенг нишонланадиган байрамлар — "Дивали", "Холи", "Дашера"лардир. Бу байрамлар мазмуни ва моҳияти, келиб чиқиш тарихи, нишонланиш усуллари жиҳатидан Наврўз байрамига жуда ўхшаб кетади. Ҳатто уларда тайёрланадиган баъзи таомлар, ҳиндларга хос баъзи урф-одатлар ҳам Наврўздагига мос тушади.



## “РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ”
### ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқи ва алоқа ходимларини умумхалқ байрами — Наврўз билан табриклайди.

Халқимизга хос бағрикенглик ва муқаддас туйғулар доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Барча эзгу ниятларингиз амалга ошишига тилакдошмиз.

Наврўзи олам муборак бўлсин!

## “БУХОРО ТЕЛЕКОМ”
### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамюртларимизни кириб келаётган **Наврўз** айёми муносабати билан муборакбод этади.

НАВРЎЗ

Меҳр ва мурувват йилида дилингизга тугиб қўйган барча орзу-истакларингиз амалга ошишига ишонч билдирамиз ва бу йўлда сизга куч-қувват ҳамда мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Умумхалқ байрами ҳисобланмиш **Наврўз** тодиёналари юртимизда кезиб юрган ушбу шукуҳли кунларда барча юртдошларимизга бахт-саодат, тинчлик-осойишталик тилаб қоламиз.

**Наврўз**

байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

## “ХАЛҚАРО ТЕЗКОР ПОЧТА”
### ЖАМОСИ

## “ЎЗИ-САМАРҚАНД”
### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини ва алоқа соҳасида фаолият юритаётган барча инсонларни дилларга қувонч ила кириб келаётган **Наврўзи олам** билан самимий муборакбод этади.

Барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишига тилакдошмиз ҳамда Ватанимиз тараққиёти йўлида қилаётган ишларингизга муваффақият тилаймиз.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин!


"СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Ўзбекистон халқини ва барча алоқачиларни гўзаллик, яшариш ва янгиланиш айёми Наврўзи олам билан чин дилдан кутлайди.
Улуғ байрамимиз барчангизга бахт-саодат, баҳорий кайфият, хонадонингизга осойишталик ҳамда дастурхонингизга тўкинлик олиб келсин.
Наврўз нафосати ҳар бир инсонга шодлик келтирсин!


BUZTON
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
Республикамиз аҳолисини Наврўз байрами билан муборакбод этади.
Уйғониш ва янгиланиш фаслида оилангизга соғ-саломатлик, тинчлик-осойишталик, дастурхонингизга қут-барака тилаб қолади.
Гулларга бурканган НАВРЎЗИ ОЛАМ тароватн йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин!


"НАВОИЙ ПОЧТАСИ"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
Республикамиз аҳолисини умумхалқ байрами Наврўз билан чин дилдан табриклайди.
Наврўз
Наврўз барча дилларга эзгулик, хонадонларга қут-барака олиб кирсин! Наврўздан Наврўзгача омон бўлайлик!


"САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Ўзбек халқини ҳамда алоқа соҳаси фидойиларини эзгулик ва саховат айёми Наврўз билан қутлайди.
Наврўз қалбларингизга олам-олам қувонч олиб келсин. Халқимизга хос бўлган сахийлик ва бағрикенглик сизни ҳеч қачон тарк этмасин.
Байрамлар байрамларга уланаверсин!

## "ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ"

### ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Янгиланиш ва яшариш айёми Наврўз билан барчангизни қизғин муборакбод этади.

Тун ва кун тенглашаётган, борлиқ ажиб гўзалликка бурканаётган ушбу кунларда барчангизга бахт ва омад, соғлиқ ва саломатлик тилаб қоламиз!

## "НАВОИЙ ТЕЛЕКОМ"

### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Баҳор қуёшининг заррин нурлари ила юртимизга уйғониш ва мусаффоликни олиб келаётган Наврўз айёми билан бунёдкор халқимизни ва барча алоқачиларни табриклайди.

Дунёдаги жамики эзгу тилакларни сизга йўллаймиз. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

**Қалбларни қувонч тарк этмасин!**

## "ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ"

### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Саховатли ўзбек заминида яшаётган барча юртдошларимизни **Наврўз** байрами билан қутлайди.

Муҳтарам Ватандошлар!
Келаётган айём қалбингизга зиё, хонадонингизга тинчлик-осойишталик олиб келсин.

**Юртимизда фақат эзгулик ҳукм сурсин!**

Азиз юртдошлар,
Алоқа соҳасининг
жонкуяр ходимлари!



Дилларга қувонч улаша кириб келаётган Наврўзи олам билан барчангизни муборак этгаймиз.

Кексаю ёш, йигит-қизлар
ясанишган, юзлар гулгун,

Сумалак, кўк сомса, ялпиз
танга даво, Наврўз бугун.

Давом этар кураш, ўйин,
қизиқчилик, достон айтиш...

Ҳамма ёқда авжга чиққан
зўр томоша, Наврўз бугун.

## "ЎЗИ-ТЕРМИЗ"

### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

# НАВРЎЗ — ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН АЙЁМ

**Байрамлар қадим замонлардан инсон ҳаётининг муҳим ва таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир миллат, элат ва халқнинг асрлар давомида маданий тараққиёт жараёнида шаклланган ўз байрамлари мавжуд.**



**Наврўз** Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг анъанага айланган қадимий Янги йил байрами ҳисобланиб, у милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўртасида вужудга келган ва табиат билан бевосита боғлиқ одат тусига кирган маросимдир. Наврўз ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар бор.

Наврўзи олам келиши билан табиат кўм-кўк либосга бурканар экан, ариқлардаги сувларнинг шилдираши, майин баҳор шабадаси деҳқонларни далага чорлайди. Наврўз минг йиллар давомида инсоният қалбини ўзига ром этиб келган. Ўтмишда ота-боболаримиз бу айёмни нишонлаш билан бир қаторда унга тааллуқли ҳодисаларни кузатишиб, қўлёзма ва китобларга битиб қолдирганлар. Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида Наврўзни батафсил таърифлаб, унинг ижтимоий-маънавий аҳамиятига юксак баҳо берган. Умар Хайём эса "Наврўзнома" номли асар ёзган. Ўтмишдаги юзлаб шоирлар ўз ғазаллари ва достонларида Наврўз шаънига мадҳия ўқишган.

Наврўз бу — умумхалқ шодиёнаси, дўстлик, меҳр-мурувват, яшариш ва янгиланиш байрамидир.

Наврўз кунларида вужудга келган руҳий кўтаринкилик кишиларни эртанги кунга умид билан боқишга, келажакка ишонч билан қарашга, ҳаётни янада гўзалликка буркашга ундаган. Қадимдан Наврўзда атроф-муҳит орасталаниб, ободончилик ишлари амалга оширилган. Кишилар бир-бирини табриклаб, ютуқлари билан қутлашган, келажак ҳаётлари учун бахт-саодат тилаганлар. Дастурхонга эса мажнунтол, зайтун, бодом, анор, беҳи, писта, ёнғоқ каби етти хил дарахт шохлари, шунингдек, сут, пишлоқ, қатиқ, тухум, балиқ ва ёниб турган шам қўйилган. Байрам куни гуруҳ-гуруҳ бўлиб сайиллар уюштирилган, олов атрофида ўйин-кулги қилишиб, йигит-қизлар гулхандан яхши тилаклар ила сакраганлар. Наврўз кунлари "қўш оши" пиширилган. Қўшга омочлар қўшилиб, ҳўкизларнинг шохи мойланган. Бўйи етган қизлар бир жойга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясаганлар. Булоқлардан кўзаларда сув олиб келиб, ичига узук, сирға, танга ташлаб, қўшиқ, лапарлар айтиб, сувдан чиқариб олганлар. Улар бахт рамзи ҳисобланган. Байрам кишиларга олам-олам қувонч, севинч бағишлаган.

Қадим-қадимдан нишонланиб келинган бу байрам Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг асосий расмий байрамлардан бирига айланди.

Наврўз байрами 14 йилдирки, кенг тантаналар билан нишонланиб келинмоқда. Наврўзга тайёргарлик арафасида хайрия ишлари: муҳтожларга ёрдам бериш, қарияларни зиёрат қилиш, касаллар ҳолидан хабар олиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу куни барча жойларда катта томошалар, тантаналар ва халқ сайиллари бўлиб ўтади. Тошкент шаҳрининг "Миллий боғ"ида ҳар йили Наврўзга бағишланган республикадаги энг йирик театрлашган томошалар уюштирилмоқда.

Наврўзда турфа хил таомлар, яъни сумалак, ҳалим, кўк сомса, патир, манти, чучвара пиширилиб, элга инъом этилади.

Наврўз кишилар орасида меҳр-оқибат, самимият ва саховат муҳитини асраб-авайлашда муҳим омил касб этади.

**Ш.ЎРМОНОВА,**
**ТАТУ "Фалсафа" кафедраси ўқитувчиси**

**SPORT, SPORT, SPORT**

*MINI FUTBOL*

## САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ АВЖИДА

**"Навоий Телеком"** филиалининг туман боғламалари ҳамда "Навоий почтаси" АЖнинг филиаллари ўртасидаги мини футбол бўйича "Кўчма Кубок" учун саралаш баҳслари ўзининг авж палласига чиқди.

Қизилтепа, Нурота, Хатирчи, Кармана ва Конимех туманларида ўтказилган ўйинларда телекомчиларнинг қўли баланд келди. Навбаҳор туманидаги баҳс эса дуранг билан якун топди. Умумий ҳисобларга кўра "Навоий Телеком" филиали жамоалари олдинда бормоқда.

**М. ДОВУЛОВА,**
**"Навоий Телеком" филиали ходими**

## ДАИ ЖАМОАСИ ҒОЛИБ БЎЛДИ



**Ўзбекистон** алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар алоқа корхоналари ва ташкилотлари жамоалари ўртасида "НАВРЎЗ" байрамига бағишланган мини футбол бўйича анъанавий турнир бўлиб ўтди.

Мусобақанинг финал баҳсида Давлат алоқа инспекцияси ва Электромагнит мослашув маркази жамоалари ўзаро беллашдилар. Қизғин курашлар остида ўтган ушбу беллашувда Давлат алоқа инспекцияси жамоасининг қўли баланд келиб, 4:3 ҳисоби билан ғалаба қозонди. Ғолиб жамоа Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси таъсис этган 1-даражали диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

*YUNON-RIM KURASHI*

## ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМА ТОШКЕНТДА БЕРИЛДИ

**Тошкентда** дунёнинг олтмишга яқин давлатидан ташриф буюрган 162 нафар юнон-рим кураши усталари икки кун мобайнида Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш учун кураш олиб боришди.

Етти вазн тоифасида кечган баҳсларда мамлакатимиз шарафини уч нафар спортчимиз ҳимоя қилди. Афсуски, Камол Холматов (55 кг.), Баҳодир Қурбонов (66 кг.) ва Дмитрий Круглит (84 кг.)лар ўз вазн тоифаларида кучли тўртликдан жой олишолмади ва Афина-2004 йўлланмасини қўлдан бой беришди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу спорт тури бўйича уч нафар ҳамюртимизда Олимпиада йўлланмаси мавжуд.

*SPORT GIMNASTIKASI*

## ОКСАНА ЯНА БИРИНЧИ

**Яқинда** Франциянинг Лион шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон Кубогининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада дунёнинг кучли спортчилари билан бир қаторда ҳамюртимиз Оксана Чусовитина ғолиблик учун кураш олиб борди. Афина-2004 ўйинларига қизғин тайёргарлик кўраётган Оксана яна бир бор ўзининг нималарга қодирлигини намойиш қилди. Таяниб сакраш машқида унга тенг келадиган гимнастикачи топилмади.

**А. ҲАСАНОВ**



# "НАВРЎЗ" КРОССВОРДИ

**БЎЙИГА:** 1. Асосий қонун. 2. Баҳор фаслининг гўзал айёми. 3. Қуш. Баҳор элчиси. 4. Таом тури. 6. Кимёвий элемент. 7. Қуш. Тинчлик элчиси. 10. Хор ёки оркестр учун ёзилган йирик мусиқа асари. 12. Кўклам чечаги. 15. Баҳор таоми. 16. Гул. Баҳор элчиси. 17. Миллий халқ ўйини. 19. Жиззах вилоятидаги шаҳар. 20. Айрича (синоними). 21. Кам, бироз. 25. Ниш урган япроқ. 27. Янги новда. 31. Миллий спорт тури. 33. Илм, таълим. 34. Баҳодир, паҳлавон. 37. Рухсат.

**ЭНИГА:** 5. Қуш тури. 7. Ранглар жилоси. 8. Фазовий жисм. 9. Флоренциядаги расмлар галереяси. 11. Бор, мавжуд. 13. Маккажўхори таоми. 14. Ўсимлик тури. 18. Қиз исми. 21. Ақлли. 22. Атиргулга хос хусусият. 23. Узумнинг қуритилгани. 24. Ирмоқ. 26. Насиба. 28. Миллий таом. 29. Шириннинг акси. 31. Хориж эстрада юлдузи. 32. Шикоят. 33. Йигит исми. 35. Жуфт. 36. Кўкламнинг фойдали кўкати. 38. Саховатли юлдуз.

**Тузувчи: Л.САИДМУРОДОВ**

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ 6 (595)-СОНИДА БЕРИЛГАН "ТЕЛЕГРАФ" КРОССВОРДИ ЖАВОБИ**

**ЭНИГА:** 6. Алгебра. 9. Бамбук. 10. Лааган. 11. Тарелка. 12. Ал-Талаба. 17. Идроксиз. 21. Грамм. 22. Гетероген. 23. Миннатдор. 25. Акобо. 26. Диктофон. 30. Норвегия. 34. Гармсел. 35. Жевачи. 36. Елувчи. 37. Ниҳолча.

**БЎЙИГА:** 1. Мактуб. 2. Телеграф. 3. Баланд. 4. Сабот. 5. Абзал. 7. Радио. 8. Ҳадис. 13. Лазетти. 14. Агрегат. 15. Асло. 16. Агреман. 17. Имтиҳон. 18. Рукн. 19. Камтоле. 20. Извошчи. 24. Бодомзор. 27. Корея. 28. Океан. 29. Озгина. 31. Орлеан. 32. Вирус. 33. Гарчи.

SIZ KUTGAN UCHRASHUV



**Сайёра ЮНУСОВА.** *Таниқли, истеъдодли санъаткор. У ўзининг бир қанча роллари, масалан, "Зебуннисо" драмасида — Зебуннисо, "Бой ила хизматчи"да — Жамила, "Рўйхатларда йўқ" спектаклида — Мира, "Олтин девор"да — Зуҳра, "Тирик мурда"да — Саша, "Бир кошона сирлари"да — Дилдора, "Пири коинот"да — Фирдавс, "Етти фарёд"да — Нина, "Бир қадам йўл"да — Беғам, "Гамлет"да — Она каби ва бошқа кўплаб яратилган образлари, қолаверса, "Ўзбектелефилм" студияси томонидан дубляж қилинган бир қатор филмларда янграган ёқимли овози орқали кўпчиликка жуда яхши таниш. Биз С.Юнусовага бир неча савол билан мурожаат қилдик.*

# "ҲАЁТИМ ГРИМХОНАДАН БОШЛАНАДИ"

**ёки Ўзгалар ғамида уйғоқ қалб**

**— Сайёра опа, сизда саҳна олдидан руҳий тайёргарлик ҳолати ва умумий фаолият, меҳнат жараёни қандай кечади?**

— Мен, одатда, секин-аста ролга кириб бораман. Агар ўн беш кундан кейин бирон ролни ижро этиш керак бўлса ҳам ўша ҳолатни олиб юраман. Баъзан ижро ҳолатида ўзимни саҳнада эканимни ҳам унутиб қўйганлек бўламан. Қаҳрамонларим билан аралашиб кетаман. Уларнинг қисмати менинг юрагимга кўчади. Ва маълум муддат уларнинг дарди билан ўзга дунёда, қаҳрамон қисматида яшай бошлайман — қувонаман, дард чекаман. Қисқаси, ўзим ҳам ўйнаётган ролимга ишониб кетаман.

Ҳаётда эса ҳар қандай пайтда ҳам оддий Сайёраман. Гримхонадан бошлаб эса мен ўзим яратажак қаҳрамонлар қиёфасида яшай бошлайман. Менинг шахсий ҳаётим, ўз дунём ўша гримхонадан бошланиб, ўша жойда тугайди...

**— Ўрни келганда, бир-бирига зид ёки мутлақо ўхшамаган образни яратиш, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш актёр учун қийин бўлмайдими?**

— Мутлақо. Ахир, актёрмиз-ку!..

**— Санъатга кириб келишингизга нима туртки бўлган? Умуман, болалигингиз қандай ўтган?**

— Отам ҳарбий, онам эса тиббиёт ходими эди. Улар жуда қаттиққўл бўлиб, нима учундир телевизорни ҳадеб кўришга рухсат бермасдилар. Кўпинча киноларни яширинча кўрар эдим. Шунда актёрларни кўриб, "шулар ҳам оламмикин" деб ўйлардим. Уларнинг қўғирчоқ эмас одам, яъни актёрлар эканини билгач эса: "Улар ким экан, ҳам йиғлатади, ҳам кулдиради, шу қадар таъсирли кучга эга...", — дея ўйлардим.

Ўрта мактабни тугатганимда уйдагилар қизиқиб, "Энди ким бўласан?" — деб сўрашган ва мен уларга дилимдагини рўйи рост қилиб, актриса бўлишимни айтганимда кулишганди. — Қўйсангчи, сендан қанақанги артист чиқиши мумкин. Бунинг учун бошқача бўлиш керак...

Мен бўлсам, майли, ўшанда кўрасизлар деб қўя қолгандим.

Бир куни Островский (ҳозирги М.Уйғур — С.У.) номидаги Театр ва рассомчилик институтига талабалар қабул қилинаётганлиги тўғрисидаги газета эълонига кўзим тушди-ю, тинчим йўқолди. Ва ҳужжатларимни ўша ёққа топширдим... Фақат 4-курсга ўтганимда, амалиёт давридагина ота-онам қаерда ўқиётганимдан хабар топишди. Аввалига улар ҳайрон ва ҳатто бироз норози бўлишганди. Удаллаб кетишимга у қадар ишонишмаганди ҳам.

Вақт ўтиб мустақил роллар ижро эта бошлаганимдагина олқиш ва табрикларни кўриб улар бу соҳани бежизга танламаганимга ишонч ҳосил қилдилар. "Зебуннисо" спектакли намойишидан сўнг ҳамма онамни олқишлаган вақтида йиғлаб юборган.

**— Биринчи ижро этган ролингиз қайси эди?**

— "Рўйхатларда йўқ" песасидаги Мира образи. Жуда ҳам зўр спектакл эди. Ўша вақтларда Москвада бўлиб ўтган Ёшлар фестивалида шу спектакл билан қатнашиб, биринчи ўринни олишга муваффақ бўлгандик.

**— Сиз дубляж соҳасида ҳам баракали хизмат қилиб улгургансиз. Айни кунларда нималар устида ишлаяпсиз?**

— Жанубий Корея киностудиясида суратга олинган "Ёз ифори" сериалига овоз бериш билан оворамиз. Бу филм ҳозирда телеэкран орқали намойиш этила бошланди. У ҳам илгари намойиш қилинган "Қиш сонатаси" филмининг режиссёри томонидан яратилган бўлиб, фақат ролларни бошқа актёрлар ижро этишган. Йигирма сериядан иборат.

**— Саҳна билан боғлиқ қизиқарли воқеалар ҳақида эсласангиз.**

— Театрга илк бор келганимда соддароқ эдим. Шундан фойдаланиб бир куни Тўйчи Орипов менга бир нима тутқазиб: "Омон акадан қарзим бор эди. Мана шу пулни олгинда унга бериб қўй. У ҳозир саҳнада, нариги томондан чиқади", — деди. Мен саҳнанинг у ёғига ўтиб кутиб тураверибман. Томоша тугагач у кишига пулни бердим. Маълум бўлишича, ҳеч кимнинг ҳеч кимдан қарзи йўқ, қўлимдаги пул ҳам сохта, яъни реквизит пул экан. Анчагача кулиб юрганмиз.

**— Кўнглингиздаги ролни ижро эта олдингизми? Қайси ролни мазза қилиб ўйнагансиз?**

— Зебуннисо образи мен учун жуда қадрдон. Кейин "Гамлет"даги она ролини ҳам яхши кўраман.

**— Бу роллар сизга қайси жиҳатлари билан маъқул ёки шу қадар дилингизга яқин.**

— Масалан, Зебуннисо — мукаммал образ. У аввало — аёл, ҳам шоира, ҳам давлат арбоби, қолаверса, етук инсон. Менга шундай мураккаб қаҳрамонлар қиёфасини яратиш ёқади. Мароқ билан ўйнайман. Зиддиятларга бой, ўзига хос мураккабликларга эга бундай роллар ижрочини ҳам, томошабинни ҳам бефарқ қолдирмайди. Негаки, актёрнинг ўзи ҳам бундай ролни шунчаки ўйнай олмайди.

**— Маълумки, ҳамманинг ўзига хос томони, ўрнак оларли жиҳатлари бўлади. Масалан, устоз санъаткорлардан кимларнинг тажрибаси, ижод услуби сизга алоҳида таъсир кўрсатган?**

— Менга Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаевлар ижоди ёқади. Олим Хўжаевда ижро техникаси кучли эди. У йиғламай, ҳеч қандай кўз ёш тўкмай туриб ҳам бошқаларни йиғлата оларди. Шукур Бурҳонов эса четда ҳаммани кузатиб турарди-ю, бир сўз демай ролни қойиллатарди.

**— Негадир кинофилмларда кам кўринасиз. Умуман, сизга кўпроқ театр ёқадими ёки кино?**

— Менга театр кўпроқ ёқади. Театрда ҳамма нарса табиийдек кўринади. Томошабин ва актёр юзма-юз қолади. Айтилаётган гаплар ҳам гўё ўз сўзидек. Воқеийлик ҳам кетма-кетликда ривожланади. Ҳаракат табиий жонланади. Ҳолатга аста-секин кириб борилади. Кинода эса бундай эмас, ҳамиша ҳар қандай ҳолатга тайёр туриш шарт... Мен учун кинонинг қийин томони ҳам шу. Бироқ кинода рол ижро этиш ниятим ҳам йўқ эмас. Тўлақонли яхши роллар бўлса бажонидил ўйнашим мумкин.

**— Энди оилангиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Турмуш ўртоғим — режиссёр Жаҳонгир Қосимов. Икки ўғил, бир қизчамиз бор.

**— Сизнингча, санъат (кино, театр)нинг асосий вазифаси нимадан иборат? Ибратми, маънавий озуқа беришми ё шунчаки намойиш, холосми?**

— Одамлар руҳиятига таъсир қилиш. Буни шундай изоҳлаш мумкин. Ибрат, маънавий озуқа манбаи, ҳам етакловчи куч, тарбия мактаби.

**— Қайси фасл, қайси байрамларни яхши кўрасиз? Нима учун?**

— Фасллардан, айниқса, баҳорни! Чунки баҳор негадир янги ҳаётнинг бошланишига ўхшайди. Қуёш чарақлайди, гуллар очилади. Кайфият ҳам шунга яраша бўлади. Режалар тузиб ташлайсан.

**— Бахт ҳақида тушунчангиз?**

— Аввало, яшашнинг ўзи бахт. Тўрт мучанинг соғлигининг ўзи катта бахт эмасми? Борига шукур қила олиш, ҳар нарсадан шодлик топа олиш — шунинг ўзи катта бахт, менимча.

**— Сизни кўпроқ нима ўйлантиради, изтиробга солади?**

— Баъзан, кўча-кўйда оғир сумкаларни кўтариб юрган сут сотувчиларни кўрсам, уларнинг ҳаётини тасаввур қилиб пул топиш, болачақасини боқиш илинжида тонг саҳарлаб қаёқларда кезиб юришга мажбурлигини ўйлаб уларга жуда ачиниб кетаман. Тиланчилик қилиб юрган кексаларни кўрсам кўнглим бузилади. Кимдир кимнидир бехосданми, эҳтиётсизлик туфайлими туртиб юборса-ю, кимдир йиқилса йиғлагим келади. Одамларни бир-бирларига янада меҳрибонроқ бўлишларини жуда-жуда истайман.

*Сайёра опадаги болаларга хос беғуборликни, бағрикенгликни кўриб ҳайратландим. Гўё кўнгил тип-тиниқ сувга чайилгандек равшан тортди. У каби ҳар жиҳатдан гўзал ва мукаммал инсонлар кўпайишини мен ҳам чин дилдан орзу қилдим.*

**Саодат УМУРЗОҚОВА**
**суҳбатлашди**

## ЯЛПИЗ

**Баҳорнинг** серхосият кўкатлари орасида ялпиз ўзининг шифобахш хислатлари билан ажралиб туради. У жуда қадим замонлардан бери халқ табобатида кенг кўламда фойдаланиб келинади.

Ўз даврида Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. У овқатни ҳазм қилишни яхшиловчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, қайт қилишни қолдирувчи восита сифатида тавсия этган.

Халқ табобатида ялпиз баргидан тайёрланган қайнатмаси тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволашда ишлатилади. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём қуёнчиққа, ўсимлик шираси эса шақиқа ва сариқ касалига фойдали ҳисобланади. Ялпиз кўкракни юмшатиб, балғам кўчирувчи ҳамда нафас йўллари касалликларининг олдини олувчи восита сифатида ҳам фойдалидир.

*Азиз фарзандимиз*
*МУСЛИМБЕК!*



**Сени туғилган кунинг билан муборакбод этамиз. Илоҳим, умринг узоқ, ризқинг улуғ бўлсин. Соғ-саломат, имон-эътиқодли бўлиб вояга етгин!**

**ЙЎЛДОШЕВлар оиласи**
**Тошкент шаҳри**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**"Сурхондарё Телеком"** филиали жамоаси Радиоалоқа боғламаси бош ҳисобчиси **Абдурасул ГУЛМАТОВ**ни туғилган куни билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайди.

* * *

**"Наманган Телеком"** филиали жамоаси Косонсой телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Зокиржон ҚАЛАНДАРОВ**ни муборак 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва меҳнат фаолиятларида улкан зафарлар тилаб қолади.

*Азиз фарзандимиз*
*ФАЗОЛАТХОН!*



**Сени туғилган кунинг муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, келажакда комила қиз бўлиб вояга етишингни Аллоҳдан сўраб қоламиз.**

**КАУНБАЕВлар оиласи**
**Тошкент шаҳри**

**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — t.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
**Тел.:** 136-35-29. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** *orif@infonet.uz.*
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

468-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади 8597 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топширилди — 18.00. Босишга топшириш вақти — .